

ҚИШЛОҚ ХАЖЖИКАТИ

1990 йил 18 август
ШАНБА
№ 187 (4.980)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин



Ғузур районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг Қашқадарё вилояти партия комитети аъзоси, КПСС XXVIII съезди делегати Санобар Муродова бошлиқ бригадаси пахтакорлари жорий йилда 55 гектар майдонинг ҳар гектаридан 26,5 центнер урнига 34 центнердан оқ олтин етиштиришга аҳд этишган. Ҳозир улар ғуза қатор ораларини оби-тобида парвартиш қилиш билан бир қаторда пахта йнгим-теринига пухта таралдуд кўрмондалар. Бу юмуш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети

нинг «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари партия, совет ва хўжалик идораларининг пахта ҳосиллини ўз вақтида ҳамда сифатли йнгиштириб олишга доир ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётти. Хом ашёнинг 85 фонзи агрегатлар ёрдамида саранжомланади.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Санобар Муродова. 2. Жамоа даласида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



БУТУНИТТИФОҚ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИ

Урганчада пахтачилик маляда киллоқ хўжалик иш-салааларини Бутуниттифоқ мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бошланди. Унинг ишида мамлакатнинг барча пахтакор жумҳуриятларидан келган деҳқонлар ўза селекцияси ва уруғчилиги, пахта етиштириш ва йнгиб-териб олиш муаммолари билан шугулланётган олимлар қатнашмоқдалар.

Пахтачиликнинг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболли масалалари, Орол денгизини сақлаб қолиш ва Орол регионидagi экология вазиятини соғломлаштириш муаммолари муҳома қилинади. Меҳмонлар бир қанча пахтакор бошқаруви хўжалиқлари ва шодилар иш тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Кенгаш мажлисининг Хоразмда ўтказилиши асосиди эмас, Воҳа деҳқонлари бой тажриба тўплаганлар, хўжалиқларда муқим иқтисодий шарт-шароитлар ва моддий-техника базаси яратилган бўлиб, улар пахтачилик ҳамда шодилорнинг жадал ривожлантириши таъминлайди.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

КРЕМЛДА МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

16 август куни Кремлда Эстония министри Э. Т. Липпмаа, Эстония Олий Совети Президиумининг котиби А. П. Альманнинг СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов, СССР Президентлик Кенгаши аъзоси Г. И. Ревенко ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. Н. Гриценко билан маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳар икки томонни қизиқтиратган кенг доирадаги муаммолар юзасидан фикрлашуви бўлди. Биринчи нав-

батда ССР Иттифоқи билан Эстония ўртасидagi ўзаро муносабатларнинг асосий қондалари муҳома қилинди.

Томонлар музокараларни давом эттириш учун муҳтор вакиллари тайинлашга қарор қилдилар. Музокаралар аниқ ташкилий режа ва унинг асосида тузилган календарь графикка мувофиқ амалга оширилади.

Навбатдаги учрашуви 23 август куни Москвада ўтказилади. (ТАСС).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

ВИЛЬНЮС. РСФСР Министрлар Кенгашининг раиси И. Силваев билан Литва Бош министри К. Прунскене РСФСР ва Литва жумҳуриятининг 1991 йилги савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Хукуматларнинг раҳбарлари қўшма баёнот имзоладилар. Унда бўлиб ўтган музокаралардан маъсад Россия Федерацияси билан Литва жумҳурияти ўртасидagi иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш хулиқи янада ривожлантиришдан иборат эканлиги айтилади. Хукуматлар РСФСР Олий Совети ва Литва жумҳурияти Олий Совети қабул қилган томонларнинг давлат мақомлари тўғрисидаги қарорлари ҳисобга олиб, яхши қўшничилик муносабатларига интилошларга амал қилиб ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро маънавият асосидаги икки томонлама фойдали иқтисодий алоқаларни маъсадага мувофиқлигига асосланиб ҳамкорлик қилинади, деган фикрда бир битимга келдилар.

Музокаралар чоғида Россия билан Литва ўртасидagi муносабатлар халқро ҳуқуқнинг асосий қондалари негизига қурилиши, улар ўртасидagi битимлар, шунингдек ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар томонларнинг ҳар қандай иттифоққа ёки давлатлар ҳамжамиятига қўшилиши сифатида талқин этилиши мумкин эмаслиги эътироф этилди.

Имзоланган битимда келаси йилда хом ашё, материаллар, истеъмол молларини ўзаро етказиб бериш,

ўзаро хизмат кўрсатиш, шунингдек шу йилги даражада бошқа савдо-иқтисодий алоқаларни давом эттириш кўзда тутилган, ҳисоб-китобларни аса амалдаги нарҳларда ёки томонлар учун мақбул бўлган келишилган нарҳларда олиб бориш назарда тутилган.

Россия Федерацияси ва Литва жумҳурияти хукуматларининг делегациялари узок муддатли иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш хулиқида бир битимга келдилар. Умумий ишчи гуруҳи тузилади, у келаси йилнинг ўрталарида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик шартномасининг лойиҳасини тайёрлайди.

Музокаралар тугатилгандан сўнг Россия Федерацияси Министрлар Кенгашининг раиси И. Силваев журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, шундай деди: Биз дастлабки музокараларни ўтказдик ва дастлабки битимларни имзоладик. Энди, айтидан, бошқа жумҳуриятлар билан музокаралар бўлиши, битимлар тузилиши керакки ўшайди. У битимда томонларнинг давлат мустақиллиги кўзда тутилганлигини уқтирди.

Литва жумҳурияти Бош министри К. Прунскене келишиб олаётган томонларнинг министрларига икки ой мобайнида ҳамкорликнинг айрим соҳалари бўйича аниқлашган шартномалар тайёрларини имзолаш учун тайёрлиги кўриш вазифаси топширилганлигини маълум қилди. (ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...

Жумҳурият Президенти И. А. Каримов номига келадиган хатлар жамоатчилик фикрининг ўзига хос ифодасидир. Уларда одамларнинг кўпчилигини тўқинланган рағбат, уларнинг манфаатларига тааллуқли, қайта қўриш чоғидаги мураккаб жараёнлар устида ўйлашга мажбур этаётган барча муаммолар акс этган.

Орол фожиясига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. «Оролни қўтариш калити бутун минтақа иқлимини тўла-тўқис ўрганишдир», — деб ҳисоблайди Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси геология-қидирув партиясининг бошлиғи В. Б. Абагуров. У тоғ ёнбағирларида ва тоғдоли ерларида дархтзорлар барпо этишни сув запасларини кўпайтиришни эҳтимол тутилган йўлларида бири сифатида тақдир этади.

Тошкентлик инженер-механик К. Н. Сленин ҳам денгизни сақлаб қолишга қаратилган ўзига хос тақдирни киритди. Хоразм вилоятининг Богот районидан С. Кувов, Нукусдан Н. Отамбетов, Бухоро вилоятининг Пешку районидан Х. Т. Хонзараров, Тошкент вилоятининг Чиноз районидан М. Жоникудов, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз районидан Ш. Эшонқулов, Сурхондарё вилоятининг Термиз районидан Б. Ваҳромов, Қозғонистоннинг Жамбул вилоятиндан И. Н. Шабанов, Термиз станциясидан Х. Худойбердиев ва бошқа кўпгина ўрсўлар ҳам ушбу муаммо ҳақида фикр юридилар.

Албатта мутахассислар ҳар бир тақдир юзасидан ўз хулосаларини айтишлари лозим, лекин хатларда қўриб бораётган денгизнинг тақдирини чуқур танишганини изҳор қилганлигини фақат бир ёндан бош чиқариши, олимлар, мутахассисларнинг хизмати эмас, аниқ вақтда Орол бўйида ҳамда Урта Осиё минтақасида яшаётган барча халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш натижасидагина экологик фалокатга чек қўйиш мумкинлигини далolat беради. Президентга келадиган хатлардаги асосий фикр шундан иборат.

Кўп миллатли Ўзбекистонда ҳеч кимни бефарқ қолдириш мумкин бўлма-

ган иккинчи муаммо — миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви. «Менинг буюм ўрта Осиёга жуда кичкиналигиде келган, 93 ёшли онам шу ерда туғилган, деб ёзди тошкентлик пенсионер И. М. Ломакина. — Биз бу дёнрни ўз ватанимиз деб ҳисоблаймиз ва уни ташлаб кетишни хоҳламаймиз». И. М. Ломакина Президентга қайта қўришни қўлаб-қувватлаб, қилаётган ишлари, жумҳуриятда яшайдиган барча миллат кишиларига астойдил ғамхўрлик кўрсатаётгани, аҳволни изга солиш ва умумий тотувликка эришиш йўлида ҳаракат қилаётгани учун миннатдорчилик изҳор қилди. Бундай хатлар кўп. Шаҳрихонда истиқомат қилувчи Абдулла Нисматов Президентнинг Ўзбекистон халқларига мурожаати муносабати билан чуқур қониқ изҳор қилган. Фаргона вилоятининг Риштон районидан Р. Алиев, Тошкентдан Г. Исломов ҳам шу ҳақда ёзганлар.

Уруш ва меҳнат ветеранлари совхоз кенгашининг раиси У. Назаров Жиззах вилоятининг Форш районидан Омонгелди номли совхозда яшаётган қозонлар номидан Президентга мурожаат қилган. У Ўзбекистон Қозғонистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон раҳбарларининг учрашуви, ушбу жумҳуриятларнинг иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда маданий ҳамкорлиги тўғрисида битимга эришилганлиги дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, ижтимоий тараққиётнинг тезлашишига кўмаклашадиган, деб ишонч билдирган.

Тошкентлик пайвандчи В. П. Ричагов шундай деб ёзди: «Сиз, Ўзбекистон Президентини сифатида халқи миз бойроқ бўлиши, камбағаллар, камситилганлар ва хўрланганлар бўлмаслигини учун қўнғингадан келган барча ишларни қилишингизга ишонман. Ўз фаолиятингизда бир тўйгуга — адолат ва оқиланоблик тўйгусига амал қилишингизни тилайман». У ҳаётининг оғир дақиқаларида Ўзбеклар орасида унга ғамхўрлик қилиб, саҳийлик билан бағрини кенг очган дўстлар орттирганлигини ҳикоя қилади.

«Қишлоқ ва унча катта бўлмаган посёлкаларнинг барча аҳолиси йил бўйи ишга эга бўлишлари муҳимдир — ховослик уруш ва меҳнат ветерани В. П. Цибулиннинг фикри ана шундай. — Бунинг учун тўқимачилик хом ашёсини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар қўриш керак. Бу техникавий жиҳатдан унча мураккаб эмас, иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, ишчиларни тугатини, аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади».

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАМАНГАН. 17 август. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорлари асосида вилоят партия ташкилотининг вазифаларини муҳома қилдилар. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов маъруза қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР халқ нazorати комитетининг раиси М. М. Мирқосимов қатнашди.

«Ресурс-Ф» парвозда 1990 йил 16 августда Совет Иттифоқиди «Союз» учирувчи ракетаси ёрдамида ернинг навбатдаги суъий йўдоши «Ресурс-Ф» учирилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши билан Ўзбекистон касабаси уюмлари жумҳурият кенгаши «Шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигини шартнома асосида чорва моллар боқиб ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлган фуқароларнинг меҳнат стажига тўғрисида» биргаликда қарор қабул қилдилар.

Қишлоқ жойларда иловчи колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиқларини ривожлантириш, мулкчилик ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ижара, деҳқон (фермер) хўжалиқларида ишлаб чиқариш

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮМЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ КЕНГАШИДА

ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши билан Ўзбекистон касабаси уюмлари жумҳурият кенгаши «Шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигини шартнома асосида чорва моллар боқиб ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлган фуқароларнинг меҳнат стажига тўғрисида» биргаликда қарор қабул қилдилар.

Қишлоқ жойларда иловчи колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиқларини ривожлантириш, мулкчилик ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ижара, деҳқон (фермер) хўжалиқларида ишлаб чиқариш

қилиши таъминлайди.

ФАРМОН КУЧГА КИРДИ

Ҳозирги вақтда хорижда яшаётган бир қанча кишиларни СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан беқор қилинди.

ТАСС мухбири СССР Президентини ҳузурда матбуот котиби вазири билан маърузачи В. И. Куликковдан ушбу фармонни шарҳлаб беришни сўради.

— Валентин Иванович, Президентнинг фармонида у 1966 йилдан 1988 йилгача бўлган даврда совет фуқаролигидан маҳрум этилган бир қатор кишиларга тааллуқли, деб айтилади. Сиз уларнинг неча киши эканлигини, баъзиларининг исми-шарифларини айта олмайсизми?

— Маъмур ҳужжат СССР Олий Совети Президиумининг 21 та фармонини беқор қилди. Ижодкор ва илмий зиндиларнинг 23 вакилининг СССР фуқаролиги тикланди. Улар орасида В. Я.

Тарсис, В. Н. Чалидзе, А. И. Солженитин, О. Я. Рабин, В. Л. Коорной, В. П. Алексеев, Л. Э. Коледев, В. Н. Войнович, Г. Н. Владимов, Ю. Ф. Одлов ва бошқалар бор.

— Фармон қачон кучга киради?

— У қўл қўйилган муддатдан бошлаб амал қилади, СССР Ташқи ишлар министрлигига маъмур фармон дахл қилувчи кишилар этиборига унинг мазмунини етказиш ҳамда ўша кишиларнинг хоҳишига биноан СССР фуқаролари паспортларини бериш топширилган.

— Улар ана шу паспортлар билан хоҳлаган вақтларда СССРга қайтишлари мумкинми?

— Албатта.

— Энди сўнги савол: Президентнинг фармони фуқаролиги тикланган кишиларнинг исм-фамилиялари зикр этилган тўла рўйхат билан бирга қачон ва қаерда эълон қилинади?

— Фармон билан шу ойнинг охирида «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг ахборот-маълумоти»нинг навбатдаги сониди танишиш мумкин.

Матбуот тўғрисидаги қонун нашр этилди

«Матбуот ва бошқа оммавий-ахборот воситалари тўғрисидаги» СССР қонунининг матни ҳамда СССР Олий Советининг маъмур қонунини амалга ошириш тўғрисидаги қарори алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани сиёсий адабиёт нашриети босмадан чиқарди. (ТАСС).

Мавзуга қайтиб

КОНУН БАРЧАГА БАРОБАРМИ?

Муштарийларимиз ёлди-рида бўлса рўзноманинг 1989 йил 5 феврал соҳида «Коса тағида ним коса» ҳамда 7 июль соҳида «Ин сон тандир ўйинчў эмас» сарлавҳали мақолалар бо-силган бўлиб, уларда Свердлов районида социалистик қонунчилик бузилишига йўл қўйилганлиги, натижада одамлар беҳудага азият чекишганлиги таниқ қилинган. Бунга район прокурори Нуриддин Ашуров ҳам бевосита айбдор эканлиги асосли равишда рўй-рост очиб ташланган.

Мақолаларга жумҳурият ҳамда вилоят прокуратураларидан, район партия коми-тетидан жавоб олинди. Уларда газета чиқишидаги далиллар асосан тасдиқлан-ган, тегишли чора-тадбирлар белгиланган юмшўқини айтиб ўтилганли, ҳоло, Тўғри, асосиз равишда ус-тидан жиноий иш қўзғатил-ган, узўқ ешилмалар, асаб бузарликлардан сўнг оқлан-ган кишилардан Р. Сайма-нов ўз ўрнига тиклангани тасдиқланади. Шунингдек, вилоят прокуратурасининг жавобда муҳбирлар келти-рилган далилларнинг бироз эскилиги, 4 киши устидан нотўғри жиноий иш қўзға-ган Н. Ашуров қилмишига яраша ўз вақтида жазо ол-гани, яъни унга қаттиқ ҳайфсан берилганлиги кўр-сатилган. Лекин бизнинг назаримизда район прокуро-ри фаолияти янада жиддий таҳлил қилиниши, юқорида-ги ноқонуний ҳатти-ҳаракат-

ларнинг қайта такрорлан-маслиги юзасидан аниқ чо-ра-тадбирлар белгиланиши зарур эди. Қолаверса жум-ҳурият прокуратураси бу масалани вилоят прокурату-раси ҳайъатида кўриб чи-қишни тавсия қилган. Аф-суски бундай бўлмади.

Очиги — шу кунларда бу мавзуга яна қайтишни кўзда тутмагандик. Бироқ сўнги ойлар давомида Свердлов районидан редак-циямизга келган мақбуллар ушбу мақоланинг ёзилмишига туртки бўлди.

Қўлимиздаги Свердлов «Райгазоткоопромторг» идо-раси жамоасидан келган, ҳи-соб-китоблар билан асослаб берилган шикоят мазмуни қуйидагича: «1990 йил фев-раль ойида Москва шаҳрида ўтказилган йармаркада ту-зилган шартнома асосида умумиттифок фондига 12,260 тонна қишлоқ ҳўжалик маҳ-сулотлари жўнатишимиз ке-рак эди. Май ойидан бошлаб манжўд график бўйича маҳ-сулотлари тегишли манзил-ларга юбора бошладик. 10 июнь кўни район прокурори Н. Ашуров тошйиринга асо-сан шартномаларни текши-риб кўрамиз, деб барча ҳўж-жатларимизни олиб кетишди. Шу-шў йигирма кўн ўтса ҳамки, уларни қайтиб олол-мадик. Бу орада графикдан чиқиб, ҳи-соб-китобимизни йўқотдик. Прокурорга шарт-номалар шўнчалик зарўр экан, нўхсасини қўйиштириб берардик-ку. Охири район партия комитетининг ара-лушуви билан ҳўжатларни зўрға қайтариб олдик. Аммо

ишимиз бутунлай изидан чиқиб кетганди. Ҳи-соб-китоб қўрсак, салкам бир ой ичнда ташкилотимиз 1 мил-лион 601 миғ сўмдан зиёд зарар кўрибди.

Р. ТУРОВОВ, «Райгазоткоопромторг» бирлашмаси директори. Н. ТУРСУНОВ, меҳнат жамоаси кенгаши раиси.

А. ҚОҢЛОВ, партия ташкилотининг коми-теби. Бу яна 4 мутахассис им зоси».

Ҳўжалик ҳи-собини, янгича итисодий илоҳотта ўтиш йўллари извиланган, ҳар бир корхона тийиниши ҳа-ракат қилаётган бир пайда озаб одамлар ишлаётган ташкилотни бунчалик оғир аҳволга солиб қўйишга Н. Ашуровни нима мажбўр этди экан?

— Бу иш юзасидан бир-лашма жамоаси бизга ҳам мурожаат этган эди, — дей-ди райком назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Қўдрат Худоев. — Биз масалани ат-рофбачлар ўрганиб чиқиб, ҳўжатларни вилоят прокуратурасига юборганимизга анча вақт бўлди. Бироқ ҳанўзгача жавоб йўқ.

— Сизнинг шахсий ҳўло-сангиз қандай?

— Мен шу ишга тегишли қўрлаб одамлар билан ба-рўра суҳбатлашдим. Фикр-мулоҳазаларини эзиб олдим. Ҳаммаси айлибди прокурор Ашуровнинг бирлашма раҳ-

барлари билан шахсий ҳўсу-матига тарақлиниш. Албатта, вилоят прокуратураси бу бо-рада ўзининг ҳолис фикри-ни билдиради, деб ўйлайман.

Нима бўлганда озаб одамлар насбаси қирқилди. Айбдор аниқланган тақдир-да ҳам емаган сомага пул тўлаган тайёрловчилар жа-римани қимдан ундириб ола-дилар? Н. Ашуровданми?

— Яна бир ноб ҳўжжатга эътиборингизни қаратмоқчи-миз. Улар ҳам юқориде аниқ-этилган ташкилотнинг Яка-тўт станциясидаги тайёрлов пунктдан олинган. Ушбу ҳўжжатлар ҳақиқатан ҳам кишининг эътиборини тор-тади. Улар 1989 йил 4 сен-тябрда расмийлаштирилган. Бу қозғалар — Яккатўт тайёрлов пункти оморборис тўлдирган, одамлардан узум қабул қилиб олинганлиги ҳўсусидаги қитанчиаларнинг нўхсалари. Қизиги шу-данки, махсулот тошйирувчи-лар Вобкент районидидаги «Пахтакор» жамоа ҳўжа-лигининг 9-бригадасидан (Уларнинг исм-шарифлари га эътибор қилинг. Рақам-ларни ҳам ёзда тутинг). Ке-ми Ашурова — 491 кг, Ми-ржиддин Ашуров — 491 кг, Навриддин Ашуров — 294 кг, Амон Мавлонов — 294 кг, Райим Мирзаев — 294 кг.

— Асли махсулотни бир-киши тоширган эди, — дей-ди пункт вақили. — Эртаси кўни район прокурори Ашуров келиб: «Уларнинг миқ-дорини икки баробар оши-риб ёзасан», — деди. Нима қилай, прокурор билан ҳа-

зиллашиб бўларканми?! Айт-ганини бажардим ва ёним-дан 1,200 сўм тўлашга маж-бўр бўлдим.

Яна қўлимизда Н. Ашуров фаолиятига алоқадор бир нечта жиддий хат борки, уларни текширмасдан мат-буот саҳифасида беришга ҳаққимиз йўқ. Маълум бўлишича, район партия ко-митетини Н. Ашуровга алоқадор бўлган ҳўжатларни ўр-ганиб чиқиб, унга тегишли баҳо бериш учун Бўхоро ви-лояти прокуратурасига юбор-ган. Ўйлаймики, мутасадди ташкилот раҳбарлари бу масалга ўларнинг жиддий мўносабатларини билдира-дилар.

Биз ҳўқуқий давлат сари атак-чекан қадам ташлап-миз. Қонун барча учун ба-робар, деймиз. Аслида шўн-даймики? Жамоа ҳўжалиги-дан бир челак ёниги олган механизаторни, харидор ҳа-қиға беш тийин жиёнат қил-ган сотувчини жазолаймиз. Билиб-билмасдан бир ташки-лотта катта миқдорда зиён етказган прокурорга аса лема-миқ деймаймиз? Ҳўш, нега? Аҳвол шўндай давом элади-ган бўлса, меҳнаткашлар-нинг одил қонунчилигини за-булган илоҳотча пўтўр етиб қолмасмикин?

Биз бу саволини Свердлов район партия комитети, Бу-хоро вилоят прокуратураси-га бермоқчимиз. Улар нима дейишади? Қани кўрай-ликчи.

Т. АБДУРАҲМОВ, М. АБДУРАҲМОВ.

Оқ олтин райониди-да «Фаргона» совхоз деҳқонлари бу йил 18,000 тонна пахта етиштиришни мақсад қилиб қўйганлар. Ҳў-жалик механизаторлари ўшн ҳисилнинг 13 миғ тоннасини техни-ка ёрдамида йиғишти-риб олишмоқчи. Шу-ниятда машина-ме-ханизмларни терим ма-всумига ҳўзирлаш юмшўлари жадал олиб борилётир. Бунда мо-ҳир соловчилар ҳисса-си катта бўлмоқда.

СУРАТДА: 4-бўлим-нинг илгор техника жилонкори Олимжон Шаматов ва чилангар Раҳматилла Тўшмаев.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

Касбинг—зийнатинг

НАФИНГ ТЕККАН БИР ДАҚИҚА КАТТА УМРДИ

— Бир кунда учта ҳайфсан олдим, — деди у кулимсираб. Аммо юзидида табассум ачиқ ва изтиробли эди.

— Ҳаёт ҳар бир одамдан умр бўйи ақл-фаросатли бўлишни талаб қилади. Кураш ҳамма жойда бор.

— Ҳўш, ҳайфсанларни ким ва нима учун олдингиз?

— Олишга бало борки, жинни бўлибманми олиб, ҳар сафар тамга қилиб пешонамга босади-лар. Кейсидир мағзин сотувини қимнатидан беш тийинга алданган экан, маҳалла тарафда бир ош-хонда қозон-товоқ ювилганмиш. Яна бир ҳайфсанни эса базада беш тур макарон бўлур-миқ бир мағзин пештахтасида уч тур борлиги учун беришди.

— Уша йиллари қайси вазифада эдингиз?

— Гулистон шаҳар савдо идорасининг дирек-тори эдим. Ҳалдан раҳмат эшитгардиму шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия қомита-ти, ҳаёқ назорати комитети, куллас ўзбачка ну-фузги ташкилотлар менга жазо беришган бе-ришган эди. Етти йил давомида жазо эзбонин тортиб, еттиш йилни олдим. Кейин ўш ҳўж-жотига кўра бошқа ишга ўтиб кетдим. Бешақт килгани бўлишни ким ҳўлайди дейсан? Ўша килгани ҳам ҳишқорқ ишлатиш керас, дўстим. Ажал деб била-чқанинг эртанги кўнини ўйла-маслик — бир теккилик.

— Бировнинг бир томиқ кўз ёшини қўрига ол-са, шу кўн у ўзини Батхўр ҳис этдиғанлардан. Яхши кунда дўст бўлишни у қадар олижаноб-лик дейиш душвор, ёмон кунда дўст бўлишга эса ҳар ким ҳам қодир экан.

— Кўп йиллар савдо соҳисида ишлаб, изаат-хўр-мат билан пенсияга кузатилган Карим ака. Му-ҳаммадов юрб турб иккили, оёқ-қўлидан мадор қурди, хайриятки тилдан қолмаган.

— Сафарали қачиринлар, қорда бўлса ҳам топилар.

— Сафарали врачиди? Йўқ, Сафарали — Карим ақанинг укақони.

— Сафарали дарҳол ҳозир бўлди. У ўш билан бирга Гулистонда танқил врач Александр Юга-ин ҳам олиб келди.

— Ақажон, — деди Сафарали Карим ақасига, — ҳоҳласангиз Москвага — катта дўхтирларга олиб боришим мумкин. Аммо Саша сизни оёққа тур-газади, мен унга ишонман.

— Кўп ўтмай Карим ака тузалиб кетди. Яқинда у тик туриб, кенжа ўглини уйлантирди. Сафарали бу тўйда ҳам тиниб-тинимай хизмат қилди.

— Қани энди, Сафаралижон, сизнинг бу хиз-матларингиз учун қандай бўлса ҳам хизмат билан жавоб беролсам, — деди Карим ака. — Мендан қайтмас, болаларимдан қайтмас, пар-вардигордан қайтмас илоийм.

— Менга соғ бўлсангиз бас, ака, — деди Са-фарали.

Бугун мен Сафарали Жабборовнинг эллик йил-лиги тўйига тақрифнома олдим. Қўлимда тақ-рифномаю ҳаблми унинг менга маълум бўлган ҳаёт йўлларида. Чорак асрдирки, уни танийман. Сирдарё вилояти ташкил топган 1963 йилда у Фарғонадан область савдо бошқармасига ишга тақлиф этилди. 1962 йилда республика савдо ва-эрилгида ишлаган Мислим Максимович Аминов савзавот ва мewa сотиш масалалари бўйича Фар-ғонда борганда Сафар Жабборов билан таниш-ган, унинг ишчанлик қобилиятига қойил қолган-ди. Шу сабабли М. М. Аминов Сирдарё вилояти-га савдо бошқармасига бошлик бўлиб келган, Сафар Жабборовни эслаб қолади.

Шу-шў у Мирзачўлда, эл хизматида. Ун саккиз йилдирки, Ўзбекистон ССР Савдо-саноат па-латасининг ҳўжалик ҳисобидида «Сирдарёвинесер-вис» ишлаб чиқариш фирмасига раҳбарлик қи-либ келаяпти.

1984 йил эди чамамда. Бекобод металлургия заводида Чехословкия ва ГДРдан 98 нафар трансформатор келтирилганди. Сафар Жаб-боров раҳбарлигида текшириб кўрилганда улар-нинг 26 таси яроқсиз чиқди.

— Ҳар бир трансформаторнинг нархи совет пу-лига чаканде қарийб 20 миғ сўм эди. Чет эл мутахассислари келишди, икки ой чамаси арқ-сизларни солашди. Ушанда Сирдарё фирма-си 400 миғ сўм фойда келтирди.

— Бу хизмат учун Сафар Жабборов СССР Сав-до-саноат палатасининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди. Бундай мисоллар унинг фаоли-тида ягона эмас. Шу палата уни тўрт марта фахрий ёрлик билан тақдирлади. 1983 йилда СССР Ташки савдо министрлиги ҳам уни муко-фотлади. Ўзбекистон ССР Савдо-саноат па-латаси унга тўрт марта фахрий ёрлиқни лозим топди.

— Менга энг катта мукофот ҳалимнинг раҳ-матиню дўстларининг самимиети, — дейди Са-фар Жабборов юбилей кўни сўз олиб, — Ту-ғилган кўни баҳона, дўстларим билан дийдор кўришганидан гоят хўрсандим. Булар орси-да ҳамма касб эгаларидан бор. Шўр Ҳамро-қўл Ризо, ветеринария врачи Утқам Ярашев, ко-зақ йиғит — агроном Абдуфоттоҳ Қосимов, шифер озабаржон Камол Жаббаров, врач Мирзаваҳид Ҳамидов, Улўт Ватан уруши қа-нашчиси тожик Маҳбўб Ҳабибов, шоғирдароми Раҳмонкул Аҳмаджонов, Ҳайдарали Нўзмонов, Ваҳоб Каримов... Улар жуда кўп. Мен бугун ўзимни шулар билан бирга тўғилгандай ҳис қилайман. Мен ўзим яшаган эллик йилни умр деб ҳайқиролмайман, инсонга умр теккан бир дақиқани катта умр, деб ҳисоблайман.

— Бу гапларни тинлар эканман, бугунги қайта кўриш даврида инсонлар ўртасидаги меҳр-оқиб-бат, самимиликни четга сўриб қўйиб, ўзини ҳақиқатпарвар кўрсатиб айхоқаннос солаётган одамларни эсладим.

— Нега эсладинг? Ўзим ҳам билмайман. Назар-ида Сафар ақадой оққўнли, Беғараз киши-лар кўпроқ бўлишини истаб қолгандирман.

Тўғри ЖАМОЛОВ.



ПАИЧИЛИК АСОСИДА

ЧЕБОКСАРИ. Чувашия-да янги қурилиш материал-лари заводини бунёд этиш билан шуғулланган шир-катчилик жамятини ташкил этилди. Унинг дайчилари ян-ги қуришлар учун гиншт-га навибаста буюртма бера-оладилар. Юксак даражада механизацияланган бу йи-рик корхона йилга 75 мил-лион дونا янги ва салкам беш ярим миллион квадрат метр қонилар ишлаб чиқа-ради. Ширкатчиларнинг ку-чағирати билан бу завод қу-рилиши Кугеси қишлоғи яқинида келгуси йилдан бош-лаб юборилади.

ЯНГИ БЕДА НАВЛАРИ

МАЙКОП. Беда бўлмаса, кўп сут соғиб олиб бўлмай-ди. «Адигей бедаси» илми-йиллаб чиқариш системасини ташкил этган автоном вилоят деҳқончилик саноати уюш-маси мутахассислари шўндай деб ҳисобламоқдалар. У қиш-лоқ ҳўжалик тажриба стан-цияларининг илвий ходимла-ри ва ўнлаб колхоз ҳамда сов-хозларнинг мутахассисла-рини бирлаштирди. Янги та-шкилот ҳўжалик ҳи-собини асо-сида ишлайди. Янги беда нав-лари унинг дастлабки маҳсу-лотини бўлади. Бу нав бедаси-ни сўғориламан ҳолда ҳам уч-тўрт марта ўриб олиш мумкин.

ОТПУСКА УЗАЙТИРИЛДИ

МАГНИТОГОРСК (Челя-бинск вилояти). Металл бую-млар заводи меҳнатчилари-га нарх-наво ўсишини қис-ман қоллаш мақсадида қў-шимча 50 сўм пул берилмоқ-да. Завод касабга уюшмаси конференцияси ана шўндай қарор қабул қилди. Шунин-гдек, корхонада асосий касб ишчиларининг отпускасига ол-ти кўнга узайтирилди. Бу ерда булажак оналар ода-даги белгиланган муддатта нарағанда икки ой илгари декрет отпускасига чиқари-лади.

ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

МАРИ. Туркменистоннинг Қорақум районидида «Мир», «Москва» колхозлари ва СССР 50 йилдиги номли совхоз меҳнатчилари табиий газдан фойдалана бошладил-лар. Бу ерда «Туркменгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси қурувчилари кўп километр-ли газ қувири ўтказишди. Ҳозир улар газ тақсимлаш ускунасини қуришни ва ҳў-жаликларнинг одис участка-лари аҳолиси уйларига ки-чик диаметри газ қувири-ни тортишни тўғалламоқ-далар.

АКАДЕМИЯ ДИПЛОМИ БИЛАН

КАУНАС. Маҳаллий ме-дицина академиясида янги факультет ташкил этилди. Бу ерда 150 дан ортиқ қиз ўқийди. Улар тўрт йилда олий маълумотни бўладилар. Бу факультетни битириб чи-ққанлар клиника ва касалхо-наларда катта медицина ҳамшираси бўлиб ишлаша-лар, билим юрлариде дарс беришлари мумкин.

ХУШТАЪМ ЧОП

СПАССК-ДАЛЬНИЙ (При-морье ўлкаси). Узўқ Шар-қинг ёвойи ўсимлиги — эле-утерококк яна бир мақсадда қўлланила бошланди. Бу ўсимлик тетикаштирувчи қўшимча сифатида чойга аралаштирилмоқда. Улка давлат саноат ҳўжаликлари Грузиянинг Махарадзе шаҳ-ридаги чой қадоклаш фабри-касида ана шу шифобахш ўсимлик баргларини жўнати-ла бошладилар. Спасск давлат саноат ҳўжалик коллективни ушбу янгиликнинг танаббус корн бўлди. Бу ерда баргин ишлайдиган маҳусе қуришти ускунаси қурилди.

ҚАДИМИЙ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ

ШИМОДИИ БАЙКАЛ. (Бурятия АССР). БАМ та-рих музейида очилган ажо-бий экспонатлар кўрғамаси қадимги Бурятия санъати намуналари билан таништира-ди. Кўрғамасга XVIII—XIX асрларга мансуб жуда қизи-қарли топилмавлар қўйилган. Булар — меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, қурол-проглардир. Аёллар тақин-чослари алоҳида қизиқтиш уйғотмоқда. (ТАСС).



ХУШҲАБАРЛАР

Халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия комитети-нинг қарорини биноан Фар-гона вилояти шаҳарларида қобилиятли болалар учун учта ихтисослашган мактаб-интернат очилди.

Қирғули ишчилар посёл-касида 13-хўнар-техника би-лим юрти неғизда физика, информатика, кимё ва био-логия фанларини чуқур ўр-гатадиган мактаб интернат ташкил этилмоқда. Бу ерда биринчи сентябрдан бошлаб 120 нафар ўқувчи сабоқ ола бошлайди. Қўндоғи учинчи ўқув комбинати бино-сида физика-математика йў-налишидаги мактаб жойла-шди, бу ерда 500 нафар бола ўқийди. Фарғонада 11 мактаб неғизда ҳам икки юз ўринли шўндай интернат очилди.

Ҳозир янгитдан ташкил этилган мактаб интернат-ларда хоналар ўқув-техника ускуналари билан жиёзон-лашмоқда. тажрибаси катта ўқи-тувчилардан иборат тарбия-чилар жамоаси ташкил этил-моқда.

«Халқаро итисодий муно-сабатлар» — Топшент халқ ҳўжалиги институтидида ян-ги факультет шўндай деб

қўлланма корхоналар ва ташкилотлар учун фойдали бўлади. Қўллангани ишлаб чиқишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг, Топшент давлат педагогика ин-ститутининг олимлари қат-нашадилар. Методик қўлла-нада типовой ҳўжатлар, курсатмалар, бўйруқларни таржима қилиш юзасидан тавсиялар берилган. Қўллан-мада ўзбек тилида ёзилган аризалар, таржимани ҳўл, ишонч қозғаларининг наму-налари билан танишиш мум-кин. Ўзбек тилида иш юри-тиш чоғида фойдаланилади қан атамалар лўғати ҳам бор.

Олмалик шаҳар болалар касалхонаси янги бинога кўчиб ўтди. Унда эски бино-даги қараганда қарийб тўрт баравар кўп — 220 та ўрин бор. Энди ушбу касал-хона неғизда районлараро маслаҳат касаллигини аниқлаш маркази тузилди. Топшент вилояти районларидан ташқари қўшни Ленин-обод вилояти бир қанча рай-онларнинг аҳолиси ҳам унинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Янги тиббий муас-сасини Ўзбекистон шаҳар қурилуши трестининг 354-механизацияланган кўчма колоннаси бинокорлари бунёд этдилар.

(ЎЗТАГ).

СПОРТ АХБОРОТИ

ФУТБОЛ

Биринчи лигада юқори ўринлар учун кураш айни-са қизгин ўтапти. Кучли-лар сағиға йўллана олиш учун баҳс қоритётган ко-мандалар ҳар бир учрашун ишоқчилик билан ўтқа-зиб, жағғармасидида очко-ларни қўлайтириш шайида бўлмоқдалар. Мамлакат биринчилигининг навбатдаги турнида ҳам шўндай бўлди. Дастлабки беш ўринни егал-лаб турган коллективлар навбатдаги гадаларини қўл-га киритиб, манқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қи-лишди.

Авалло учинчи ўринда борайтган «Пахтакор» ва Симферополнинг «Таврия» командалари ўртасида бўл-ган учрашувга тўхталайлик. Маълумки, улар биринчи даврада 3:3 ҳисобида дуранг ўйнаган эдилар. Бу сафар ҳам матч қизгин кураш ос-тида ўтиши қурилганди. Дар-ҳақиқат, футболчилар май-донда тез ҳаракат қилдилар. Тўп бир лаҳза у ёки бу то-монда ушлаб турилмади. Ўйнала команда ҳам ҳўжум га тез ўтди. Аммо бора-бора майдон эгаларининг ус-туңлиги сезила бошланди. Нихоят 33-дақиқада меҳмон-лар мезбонларнинг шиддатли ҳўжумини қўполлик ишла-тиб тўхтатинга мажбўр бўл-дилар. Учрашув ҳақами тў-пи ўш бир метрли белгидан тешиш кераклигини кўрсат-ди. Уни биринчилик тўп-урачлари баҳсида пешақадир қилаётган Игорь Шквар-рин аниқ амалига оширди. Натияжада унинг ҳисобидида тўплар сони 21 тага эди. Бу иккинчи ўринда борайт-ган буюнлик Қосимов урган тўплардан икконтга кўп.

Иккинчи бўлимда ҳам ва-зият ўзгармади. Командалар ҳўжумга зўр бердилар. Ни-

КОНКУРСДА ҚАТНАШИНГ

СССР Табиати муҳофаза қилиш давлат комитети. Бу-туниттифок касабга уюшма-лари Марказий Кенгаши, ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда СССР Журналисти-ка уюшмасининг правлене-сиз томонидан ташкил этил-ган «Табиати ҳимоя қилиб айтилган тағлар» шўри бил-лан очилди. Конкурстинг мақсади атроф муҳитини му-ҳофаза қилишдек муҳим, ва зарўр ишга жамоатчилик эътиборини қаратишдан ибор-ат.

Конкурсда рўзномалар ва ойнамалар, муҳарририят ижодкор муаллифлари ҳам, ай-рим журналифлар ҳам қатна-шишлари мумкин. Уларнинг

ЧИМ ХОККЕЙ

Олий лига командалари голиблик учун курашини да-вом эттиришлар. Эркаклар биринчилигида ўйнаётган Андиқоннинг «Звезда» кол-лективи ўш майдонда икки-та учрашув ўтказди. Ҳамор-таримли дастлаб Минскнинг «Луч» командасини 3:0 ҳи-собиде мағлубиятга учрат-дилар. Аммо кейинги учра-шувда уларнинг омади кел-мади. Черновининг «Универ-ситет» клубига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

«Звезда» 22 учрашувдан сўнг 23 очко тўплаб, олий лига коллективлари ўртаси-да тўртинчи ўринда бор-моқда.

«ЛОЧИН»НИНГ КИЧИК ҲАЖМЛИ МАШИНАСИ

Ленинск қўчаларида «Сино-в» деб аъиб қўйилган одағдан ташқари «Лочин-101» автомо-биллари билан пайдо бўлиб қолди. У гарчи кичик литражли «Зво-рожец» автомобилни эслатса ҳам, кўнлаб ишлаб чиқарила-диган енгил машиналарнинг бирортасига ўхшамайди.

Бу — Ленинскдаги 6-авто-ремонт заводида бир гурўх ташаббускорлар ташкил қил-ган «Лочин» техник ижодиёи ҳаваскорлик клуби аъзолари-нинг ижодий ишлари натижа-сидир. Клубнинг саккиз аъзоси ав-томшиналар, мотоцикллар, қишлоқ ҳўжалик техникаси конструкцияларини тоқимил-лаштиришни ўш олдидарига

(ЎЗТАГ).

Сўнмас у кунлар шухрати

ТАЪЗИМ

Пардахол ая турмуш ўртоғи Уролга аза оиди. Ана келади, мана келади, деб йўл қараган аёл тақдирига «бева» деган муҳр босилди.

бурда нон учун гезарган лаблар қанчадан-қанча! Бир қўлни урушга ташлаб келган қолхоз раиси аяга муруват қилди.

Назар совхозда бригадир, кичиги Шобўта урта мактабда олий маълумотли ўқитувчи бўлди.

Пардахолнинг сўзлари пойма-пой эди: — Қилларга ташлаб кетаясиз мени!

Чўлиби қишлоқдаги уй ўша кунни ҳувилди қолди. Уй бекаси ўша кунни қон тўқлади.

— Ҳаракатдаги армияда хизмат қилаётган жангчи Урол Раҳमतдан 1943 йилда хат келмади.

Шундай яхши кунларни кўролмай кетган, тирик бўлиб тўрда, ўлик бўлиб гўрда бўлмаган турмуш ўртоғи унинг қалбини оғир ғам бўлиб босиб турарди.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Леонардо да Винчи

ҚОҒОЗ ВА СИЕҲ

Езуз столда бир арақ оппоқ қоғоз ётарди. Бир кунинг унга турли-туман белгилар, чиқилар тушди, керакли-кераксиз нуқталар кўйилди.

ланиб чақмоқтош зарбаларига тоқат қилди. Ниҳоят ундан лав этиб чинакам муъжизалар яратадиган учкун чикди.

ТИЛ ВА ТИШ

Бир бола бор эди. Баъзи ёши улугулар сингари у бир дардга муштола бўлганди — тинмай тапирарарди.

ХАРСАНГ ВА ЧАҚМҚОҒОШ

Бир сафар чақмоқтош қаттиқ урилгандан сўнг харсанг норози бўлиб ундан сўради: — Нега менга бундай ташланадсан?

УСТАРА

Сартарошнинг ҳаддан ташқар гўзал устари бор эди. Ишда ҳам унга тенг келадигани йўқ эди.

ким йўғида, сартарош иш билан кетганда устара дунгани бир кўрмоқчи бўлиб, ўзини кўз-кўз қилишни ўйлаб қолди.

Шундай ажойиботлардан кейин мен сартарошхонага қайтишим керакми! — хитоб қилди у.

Оқшом чоғлари

Оқшом чоғлари Урганч маданият ва истироҳат боғларида кўча ва хиёбонларида мусиқа садолари, шўх кўшиқлар янгради.

БИР КЕЧА-КУНДУЗДА

Франциялик 36 яшар спортчи Жан Буэссие Англиянинг Блэбери шаҳри те-



Оқшом чоғлари Урганч маданият ва истироҳат боғларида кўча ва хиёбонларида мусиқа садолари, шўх кўшиқлар янгради.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ТАОМЛАР МУЗЕИ

Понтассиев шаҳрида италяндларнинг севимли овлати — спагеттига музей оchild.

КАПТАРЛАР НИМАДАН ҚЎРҚИШАДИ?

Американин Оклахома Сити шаҳридаги виллот суди томида бир вақтда юзлаб турди хил илонларни қуриш мумкин.

варагида тез юриш бўйича антиқа нагжа кўрсатди. У бир кеча-кундузда 264 километр масофани босиб ўтди.

Жан шабаба кунни кундузга йўлга чиқиб, туни билан юриб чиқди ва ақшаба кунни кундуз маргага етди.

МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВИ

Муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи Т. М. МИРҲОДИЕВ.

Ойнаи жаҳонда

19 АВГУСТ, ЯҚШАНБА

- СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ
9.00 «Ассолу алейкум», Мусиқий кўрсатув.
10.00 Тижорат хабарлари.
10.20 «Подшо Пётр арапини уйлантиргани ҳақида ҳикоят», Бадий фильм («Мосфильм»).

- 16.15 «Маримба Понесс болалар ансамблининг чиқиши (Япония).
16.45 Эртақлар ва сўгузашлар оламида «Енгил қадамлар», Телевизион бадий фильм («Укртелефильм»).
18.15 Кўрсатувлар тартиби.
18.20 «Буюқ ҳайон ўргатувчи», Телевизион бадий фильм (рус тилида).

- 16.15 «Маримба Понесс болалар ансамблининг чиқиши (Япония).
16.45 Эртақлар ва сўгузашлар оламида «Енгил қадамлар», Телевизион бадий фильм («Укртелефильм»).
18.20 «Валерий Леонтьев Ҳиндистонда».
19.15 Шейрият лавзалари.
19.25 Тошмошабинларнинг талаблари биоан. «Номис қаср».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кўз юмиб очуғча кузги пахта тайёрлаш мавсуми ҳам келиб қолади. Шунинг учун мана бу муҳим вақтда...

СССР Алоқа вазирлиги ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

1990—91 ўқув йили учун биринчи марта шартнома асосида алоқа қороналари ва «Орбита-Сервис» бирлашмасида ишлаш учун «ТЕЛЕВИЗИОН ТЕХНИКА ВА РАДИОРЕЛЕ АЛОҚАСИ» мутахассислиги бўйича ўзбек тилида ўқитиладиган гуруҳларга

КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Урта маълумотга эга бўлган, 10 ва 11 синфни тамомлаган шахслар ўқишга қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ таълими вазирлиги АСАЛАРИЧИЛИКНИ УРГАНИНГ!

Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги 19-сон ўрта хўна-техника билим юрти 1990—1991 ўқув йили учун 10-синф ҳажмида маълумотга 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни асаларичилик мутахассислиги бўйича қабул қилинади.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқини муддати — 1 йил. Ўқини даври узлуксиз меҳнат стажига кирди. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга техника ва олий ўқув юртиларига кириш учун йўналиш берилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 32-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълолар бўлими — 33-81-42.